

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336.1 (575.1)

**САМАНДАРОВА ГУЛМИРА МУЗАФФАР ҚИЗИ**


**ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар:**  
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**  
**М.П.Эшов**

**Тошкент – 2022**



## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	
1.1.	Давлат бюджетидан фойдаланиш самарадорлиги ва шаффофлигининг иқтисодий - назарий асослари .....	13
1.2.	Давлат бюджети очиклигининг илмий-назарий асослари ...	28
1.3.	Бюджет очиклигининг илғор тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари .....	41
1.4.	Биринчи боб бўйича хулосалар .....	54
<b>II БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ</b> .....	
2.1.	Ўзбекистонда бюджет сиёсатида очиклик тамойилининг амалдаги ҳолати таҳлили .....	57
2.2.	Ўзбекистонда бюджет харажатларини шакллантиришда очикликни таъминлаш тенденциялари .....	70
2.3.	Ўзбекистонда ташаббускорлик бюджетининг вужудга келиши таҳлили .....	84
2.4.	Иккинчи боб бўйича хулосалар .....	98
<b>III БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b> .....	
3.1.	Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар .....	100
3.2.	Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари .....	112
3.3.	Учинчи боб бўйича хулосалар .....	122
	<b>ХУЛОСА</b> .....	125
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	
	<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	

## КИРИШ (Диссертация ишининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бюджет сиёсатининг янги тенденцияларини вужудга келиши ташаббусли бюджет, бюджет шаффофлигини таъминлаш каби жиҳатлар билан ифодаланмоқда. Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, Европа комиссияси ва бошқа қатор халқаро жамғармалар шериклигида Бюджет халқаро ҳамкорлиги (International Budget Partnership) нотижорат ташкилоти таъсис этилган. Ушбу ташкилот 2006 йилдан буён ҳукуматларнинг бюджет сиёсати очиқлигини ўрганиб, унга нисбатан баҳоларни эълон қилиб боради. Бунда очиқ бюджет бўйича халқаро даражада сўровнома ўтказиб келади. Мазкур нотижорат ташкилот томонидан бюджет очиқлиги бўйича сўровнома маълумотларига кўра<sup>1</sup>, 2021 йилда 120 та давлатнинг бюджет сиёсати борасидаги очиқлиги таҳлил қилинган. Умумий натижа кўрсаткичлари максимал 100 балдан 2021 йилда ўртача 45 баллни ташкил этганлиги кўплаб мамлакатларнинг бюджетга оид асосий молиявий маълумотларни эълон қилмаётганлигини англатади. Мазкур ҳолат эса, бюджет очиқлиги (ташаббусли, шаффоф бюджет)ни таъминлашга қаратилган вазифанинг долзарблигини англатади.

Жаҳонда глобаллашув ва халқаро рақобатлашувнинг кучайиши шароитида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш талабларининг ошиб бориши кўплаб мамлакатларида бюджет очиқлиги масалалари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этмоқда. Молиявий сиёсатнинг очиқлигини таъминлаш меъёрларини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда давлат ва хусусий сектор бошқарувини ажратишнинг аниқлигини таъминлаш, фискал сиёсат мақсадларига эришишни назорат қилиш, молиявий ахборот ва рискларни, ички ва ташқи назоратларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш, бюджет маблағларини таъминлашда ваколатли органлар ролини кучайтириш, аҳоли иштирокини кенгайтириш, молиявий маълумотларнинг тушунарли ва аниқ шакллантирилиши, молиявий маълумотларнинг очиқлиги таъминланишида

---

<sup>1</sup> Open budget survey 2021 <https://internationalbudget.org/wp-content/uploads/Open-budget-survey-2021.pdf>